

**SCIENCE  
PROBLEMS.UZ**

ISSN 2181-1342

 Actual problems of social and humanitarian sciences  
Актуальные проблемы социальных и гуманитарных наук

**Ijtimoiy-gumanitar  
fanlarning dolzARB  
muammolari**

Jild 3, Son 7/S  
**2023**

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

***№ S/7 (3)-2023***

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### **07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:**

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### **08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:**

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### **09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:**

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

### **10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### **12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:**

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Утемуратов Махмут Ажимуратович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳакимов Комил Бахтиярович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амирнов Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Раҳматов Элёр Жумабоевич – юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент давлат юридик университети.

### **13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:**

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги

педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази; Тайланова Шохида Зайневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

### **19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарқанд вилоят ИИБ Тиббиёт бўйими психологик хизмат бошлиғи.

### **22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:**

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

### **23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР**

Назаров Насридин Атақулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамият.

### **Таҳририят манзили:**

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-үй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## **МУНДАРИЖА**

### **07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ**

<i>Холлиев Азизбек Гўзалович</i> РОССИЯ-АМЕРИКА САВДО АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVIII АСР ЎРТАЛАРИ – XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ) .....	7-13
<i>Юлдашев Сайданварбек Баҳромжон ўғли</i> ФАРГОНА СОМОНИЙЛАРИ ТАРИХИДАН ЛАВҲАЛАР .....	14-25
<i>Бобоҷонов Шавкат Улуғбековиҷ</i> ФЕНОМЕН БАҲАУДДИНА НАҚШБАНДИ В ПАЛОМНИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ НАСЕЛЕНИЯ БУХАРСКОГО ОАЗИСА .....	26-31
<i>Raxmonqulova Masuma Mengniqulovna</i> ZARDUSHTIYLIK DINIGA OID YOZMA MANBALARNING ARXEOLOGIK MANBALARDA AKS ETISHI .....	32-39
<i>Isarov Umidulla Isar o'g'li</i> “ILK KO'CHMANCHILAR” ATAMASI MUAMMOSI .....	40-45
<i>Исламов Шарифжон Ганиджанович</i> “КЕНГАШ” ЖУРНАЛИДА СИЁСИЙ, ДИНИЙ ВА ИЖТИМОИЙ МУАММОЛАРНИНГ ЁРИТИЛИШИ .....	46-54
<i>Фарманова Гулнара Комилевна</i> АРХЕОЛОГИЧЕСКИЕ РАБОТЫ И ИССЛЕДОВАНИЯ НА ТЕРРИТОРИИ САМАРКАНДСКОГО СОГДА В ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЕ ХХ ВЕКА (НА ПРИМЕРЕ РАБОТ Г.В.ГРИГОРЬЕВА И А.И.ТЕРЕНОЖКИНА).....	55-64

### **8.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ**

<i>Ablazov Nurillo Xusanboyevich</i> QURILISH KORXONALARIDA DAROMAD VA XARAJATLARNI TAN OLISHNING XALQARO STANDARTLAR ASOSIDA TAKOMILLASHTIRISH MASALALARI .....	65-71
<i>Kunduzova Kumrixon Ibragimovna</i> ONLAYN MOLIYAVIY XIZMATLARNING XUSUSIYATLARI .....	72-79
<i>Пардаев Мамаюнус Қаршибаевич, Бабаназарова Севара Абдиназаровна</i> ИНСОН КАПИТАЛИ ТУШУНЧАСИННИГ МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА УНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧНИ АНИҚЛАШ ЙЎЛЛАРИ .....	80-90
<i>Norkochkarov Abdulaziz Ziyadullaevich</i> PRACTICAL ASPECTS OF CREATING COST ESTIMATE IN BUDGET ORGANIZATIONS .....	91-98
<i>Темиров Шоҳруҳжон Пўлатхўжа ўғли</i> КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	99-108

### **09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

<i>Raximova Dildora Abzalovna</i> GLOBAL MUAMMOLAR FALSAFASI .....	109-114
---	---------

*Искандаров Жаҳонғир Шарипович*  
ИНТУИЦИЯ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНЛАРИ ..... 115-121

*Xadjamuratova Matlyuba Xashimovna*  
YOSHLARNI IJTIMOIY HIMOYA QILISHNING INNOVATSION XUSUSIYATLARI ..... 122-128

## 10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

*Axmedov Oybek Saparbaevich*  
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СОЛИҚ-БОЖХОНА ТЕРМИНОЛОГИЯСИДА АНТОНИМИЯ  
ХОДИСАСИНИНГ ЎРНИ ..... 129-137

*Rasulova Gulbahor*  
AYRIS MYORDOK IJODIGA ILMIY-NAZARIY YONDASHUVLAR ..... 138-143

*Norqobilov Sanjar Rahmat o'g'li*  
КОГНИТИВ ЛИНГВИСТИКА ФАНИНИ ТАQQOSLASHNING UMUMIY TENDENSIYALARI ..... 144-149

*Bobojonov Dilshod Jumaqul ugли, Halilova Shohista Muhammadi qizi, Umarova Maftunbonu  
Umidjanovna, Turdaliyeva Shahnoza O'ktamovna, Gulnora Xolmurodova Sattorovna*  
LINGUISTIC FEATURES OF THE MODERN NEWSPAPER LANGUAGE: ANALYSIS AND  
RESEARCH ..... 150-159

*Sodikova Bakhtigul Ibodullaevna, Berdiyev Suhrob Sobirovich, Togaev Bobur Erkin ugли, Hafizov  
Sarvar Boborajab ugли, Maxsumov Rustam Maxamadiyevich*  
CHARACTERISTICS OF THE NEO-VICTORIAN NOVEL IN THE "FRENCH LIEUTENANT'S  
WOMAN" BY JOHN FOWLES ..... 160-166

*Xolmuxamedov Baxtiyor Farxodovich*  
О'zbek tilida yaratilgan chappa (ters) lug'atlari haqida ..... 167-176

## 12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР

*Tўраев Сардор Абдихаким ўғли*  
БАЪЗИ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОГИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР  
ЭТИЛАДИГАН ТАЛОН-ТОРОЖ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК  
МАСАЛАЛАРИ ..... 177-187

## 13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

*Kaziyeva Turg'unoy Tursunbayevna*  
MATNNING GERMENEVTIK KONTSEPTSIYASI VA KOGNITIV GERMENEVTIKA ..... 188-192

*Xaydarov Azamjon Asqarovich*  
“OZIQ OVQAT TEXNOLOGIYASI YO’NALISHI” TALABALARINI UMUMIY KIMYO KURSINI O’QITILISHDA  
INTEGRATIV TAKOMILLASHTIRISHNING ILMIY METODIK ASOSLARI ..... 193-198

*Allamurodova Sabohat Ibodullayevna*  
ADABIY TA'LIM TIZIMIDA KULTUROLOGIK YONDASHUV ..... 199-204

*Gaynullaeva Yulduz Anvarovna*  
PROFESSIONAL AND AESTHETIC APPROACH TO TYPES OF WOMEN'S CLOTHING ..... 205-210

*08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари*

**Темиров Шохрухжон Пўлатхўжа Ўғли**  
Фарғона политехника институти менежмент кафедраси  
илмий тадқиқотчиси, Фарғона, Ўзбекистон  
E-mail: [pulatkhojayevich@mail.ru](mailto:pulatkhojayevich@mail.ru)

**КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖЛАНИШИ ОМИЛЛАРИ, ДАРАЖАЛАРИ ВА  
БАРҚАРОРЛИГИДА ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ (ФАРГОНА  
ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада, кичик бизнес ва хусусий корхоналарни бошқаришда инновацион ёндашувларнинг самарадорлиги, уларнинг фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми таҳлил этилди. Шунингдек, замонавий стратегияларни режалаштиришда қўлланиладиган моделлар муҳокама қилинди. Саноат тармоғини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, саноат тармоғида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва ушбу жараёнларни ташкил этиш билан боғлиқ тушунчалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни белгиловчи омиллар, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш омиллари таҳлил қилинди. Инновацион бошқарув самарадорлигини оширишда илғор хориж тажрибасидан ижобий фойдаланиш имкониятларига оид илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари, ишбилармонлик фаоллигини ривожлантириш, корхоналарни бошқаришга инновацион ёндашув, тадбиркорлик қобилияти, юқори технологик маҳсулот, инновацион фаолият, инновацион ихтисослик.

---

**Temirov Shokhrukhjon**  
Researcher, Department of Management,  
Fergana Polytechnic Institute, Fergana, Uzbekistan

**EFFECTIVENESS OF INNOVATIVE MANAGEMENT IN THE FACTORS, LEVELS AND  
STABILITY OF SMALL BUSINESS DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF THE FERGANA  
REGION)**

**Abstract.** The article analyses the effectiveness of innovative approaches in the management of small businesses and private enterprises, as well as the organizational and economic mechanism for the development of their activities. Models used in planning modern strategies were also discussed. Measures aimed at developing the production network, increasing the economic efficiency of enterprises, concepts related to the development of business activities in the production network and the organization of these processes, factors determining the development of small businesses and private entrepreneurship, analysis of Factors for increasing the economic efficiency of business entities have been made. A scientific proposal and practical recommendations have been developed on the possibilities of positive use of advanced foreign experience in increasing the efficiency of innovation management.

**Keywords:** small business and private enterprises, development of entrepreneurial activity, innovative approach to enterprise management, entrepreneurial abilities, knowledge-intensive product, innovative activity, innovative specialization.

---

**Темиров Шохрухжон**

Исследователь кафедры менеджмента Ферганского политехнического института, Узбекистан, г. Фергана

**ЭФФЕКТИВНОСТЬ ИННОВАЦИОННОГО УПРАВЛЕНИЯ В ФАКТОРАХ, УРОВНЯХ И УСТОЙЧИВОСТИ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

**Аннотация.** В статье анализируется эффективность инновационных подходов в управлении малым бизнесом и частными предприятиями, а также организационно-экономический механизм развития их деятельности. Также обсуждались модели, используемые при планировании современных стратегий. Меры, направленные на развитие производственной сети, повышение экономической эффективности предприятий, концепции, связанные с развитием предпринимательской деятельности в производственной сети и организацией этих процессов, факторы, определяющие развитие малого бизнеса и частного предпринимательства, анализ Факторы повышения экономической эффективности субъектов хозяйствования сделаны. Разработаны научное предложение и практические рекомендации о возможностях позитивного использования передового зарубежного опыта в повышении эффективности инновационного менеджмента.

**Ключевые слова:** малый бизнес и частные предпринимательские предприятия, развитие предпринимательской активности, инновационный подход к управлению предприятием, предпринимательские способности, научно-исследовательский продукт, инновационная деятельность, инновационная специализация.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I7/SY2023N12>

**Кириш.** Бугунги қунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларига инновацион лойиҳаларни жорий этишни жадаллаштириш, жумладан, кичик бизнес ва хусусий корхоналари томонидан инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш, бошқарувга оид инновациялардан амалиётда кенг фойдаланиш ҳисобига юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг глобал рейтинглардаги кўрсаткичларини янада оширишга қаратилган ҳисобланади. Хусусан, мамлакатимиз ҳукумати томонидан 2030 йилга бориб Глобал инновацион индекс халқаро рейтинги кўрсаткичлари тизимида жаҳоннинг етакчи 50 та мамлакатлари қаторига киришига эришиш бўйича узоқ муддатли стратегик вазифаси белгиланган [1].

Мамлакатимизда бозор муносабатлари ва унинг инфратузилмасини шакллантиришнинг ҳозирги даврида кичик бизнеснинг ички ва ташқи муҳити унинг хусусиятлари, ривожланишига тасир қилувчи асосий омилларини аниқлаш ва уларни яхлит, изчил тизим асосида ўрганиш, уларни кичик бизнес ривожланишдаги улушини иқтисодий баҳолаш, таҳлил қилиш бу соҳа олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш мақсадида амалга оширилаётган ислоҳотларга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида "...биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислоҳотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз" [2], деб айтган фикрлари кейинги йилларда мамлакатимизда миллий иқтисодиёт тармоқлари, жумладан, кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион бошқарувининг ташкилий-иктисодий механизмини

такомиллаштиришнинг услубий асосларини тадқиқ этиш долзарб ва илмий-амалий аҳамиятга эга эканлигини англатади.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Инновация атамаси иқтисодий адабиётга илк бор Й. Шумпетер томонидан киритилган бўлиб, олим инновация иқтисодий категориясига қуидагича таъриф беради: “янги турдаги истеъмол товарлари ва хизматлари, жумладан, корхоналарнинг эгаллаган бозор ҳажмини оширишда ноодатий шаклдаги ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш амалиётини ташкил этиш, янги турдаги транспорт воситаларидан фойдаланиши ёки уларни амалиётга татбиқ этилиши инновация деб баҳоланади” [3].

Е. Дандон [4] ўз изланишларида корхона бошқаруви жараёнида инновациянинг креативлилик, стратегия, амалга ошириш (реализация) ва фойдалилик каби таркибий компонентларга эга бўлишини ажратиб кўрсатади.

А.Н. Храмсова ва А.А. Ахматовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда корхоналар бошқаруви жараёнида инновация иқтисодий категориясининг мазмунини ёритишда иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифларни қуидаги уч гурухга ажратиш мумкин бўлади:

- инновация иқтисодий категориясининг мазмунини янгилик, ноу-хау билан боғлиқ ҳолда тушунтириш;
- инновациянинг мазмунини ёритишда янги бир маҳсулотни ишлаб чиқариш, жумладан, унинг техник ва технологик хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бутун бир жараён сифатида тушунтириш;
- инновация мазмунини ёритишда янги ғоя ва фикрларни амалиётга татбиқ этиш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, янги шаклдаги такомиллаштирилган маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳаракатга келтирувчи куч сифатида баҳолаш [5].

Ўзбекистонлик Ш.Н. Зайнутдинов [6], А.А. Мадалиев [7], Д. Шодиева [8], Н.М. Расулов [9], Ш.Г. Акрамова [10], О.Е. Эрназаров [11] каби иқтисодчи олимлар ўз илмий изланишларида кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда инсон омилиниң ўрни, кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишда юқори малакали кадрларга бўлган талаб, жумладан, кичик бизнес ва хусусий корхоналари бошқаруви самарадорлигини оширишда инновацион ишланмалардан фойдаланишнинг услубий асослари ўрганилган [12,13].

Республикамизда, МДҲ ва бошқа хорижий мамлакатларнинг иқтисодий адабиётларида ижтимоий-иктисодий жараёнларни моделлаштириш ва бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишлиланган ишлар кенг ўрин олган. Хорижлик ва МДҲ олимларидан А.Смит, Й.Шумпетер, Х.Гросс, Р.Бруксбенк, В.Хюбнер, Р.Хизрич, М.Питерс, А.Хоскинг, Г.Жоунз, Л.Абалкин, В.Абчуқ, А.Бусмгин, Ю.Осипов, А.Шапиро, М.Балашевич, М.Хаджимуратовлар илмий ишларида кичик бизнес ва тадбиркорлик ва бошқарувнинг назарий муаммоларини тадқиқ этишган [13,14].

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини эконометрик тадқиқ этишнинг илмий, назарий асослари ва усуллари К.Доугерти, А.Вебстер, Э.Вигдорчик, А.Хачатрян, С.Айвазян, В.Мхитарян, Н.Егорова, А.Ларионов, В.Долгопятов, О.Замков сингари олимлар тадқиқотларида кенг ёритилади [15,16, 17].

Юқорида келтириб ўтилган олимларнинг илмий ишларида кичик бизнес ва хусусий корхоналарини инновацион бошқарувининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг услубий асослари тизимлаштирилган ҳолда, комплекс ҳолатда, тадқиқот обьекти сифатида таҳлил этилмаган. Иқтисодий адабиётларда ушбу масала юзасидан олиб борилган тадқиқотлар таҳлили иқтисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес ва хусусий корхоналарида инновацион бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, корхона бошқарувида инновациялардан фойдаланиш амалиётини янада кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий корхоналари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқаради [17,18]. Муаммонинг долзарблиги, иқтисодий адабиётда етарлича ўрганилмаганлиги, кутилаётган илмий натижаларни илмий-амалий аҳамиятга эгалиги ушбу мавзуни тадқиқот обьекти сифатида танлашга асос бўлди.

Илмий мақолани ёзиш жараёнида илмий тадқиқотни амалга оширишнинг тизимили таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий ва селектив танлаб тадқиқ қилиш, монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари қўлланилган.


**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.** Бугунги қунда жаҳон мамлакатларида иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлашга қаратилган давлат сиёсатида кичик бизнес ва хусусий корхоналари бошқаруви амалиётига инновацион лойиҳаларни жорий этиш орқали янги истеъмол қийматларини яратиш, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлигини, уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, миллий иқтисодиёт тармоқларининг глобал рақобатбардошлиги ва инновацион ривожланиш индекси кўрсаткичларини оширишга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Худудларда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш концепциясида асосий эътибор биринчи навбатда иқтисодий салоҳиятга эга бўлган кичик бизнес субъектларини қўллаб-куватлаш, тармоқ ва худуд учун зарур, аммо паст рентабелли соҳаларнинг ривожи учун қулай имкониятлар яратиш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишлари ва мақсадларига мос фаолият юритаётган хўжалик тузилмаларини рағбатлантириш, худудий аҳамиятга эга маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналарга солиқ имтиёзлари белгилаш, лизинг хизмати ва инвестицион хатарларни суғурталаш тизимини кенгайтириш ва молиявий имкониятлари чегаралангандан кичик бизнес корхоналарининг банк кредитларидан фойдаланишига йўл очувчи шароитларни таъминлаш вазифаларига қаратилмоғи керак.

Таҳлилларга кўра, Фарғона вилоятининг 2022 йилги макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинганда: 2022 йил якунига кўра, Фарғона вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 55 972,1 млрд. сўмни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан 4,6%га ўсиш қайд этилди. Республика бўйича ЯИМни шакллантиришда Фарғона вилоятининг улуши 6,3%ни ташкил этди. ЯҲМ таркибида саноат улуши қурилишни қўшган ҳолда — 26,3 % (2021 йилда 27,2%), қишлоқ хўжалиги улуши 35,1% (2021 йилда 35,0%) ва хизмат кўрсатиш улуши 38,6% (2021 йилда 37,8%)ни ташкил этди (1-расм).



1-расм. Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (Фарғона 2022 йил)

Ўтган йилда янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2021 йилга нисбатан 2,5%га пасайиб, 8 828 тани ташкил этди. Бу пасайиш ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улушига ҳам таъсир кўрсатди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 2021 йилда 69,8%ни ташкил этаркан, 2022 йилда 68,9%га тўғри келди.




2-расм. 2021 йилнинг январ-март ойларида Фарғона вилояти худудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми, млрд. сўм.

Худудлар бўйича энг кўп саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Қўйон шаҳар (289,5 млрд. сўм), Учқўприк тумани (258,4 млрд. сўм), Фарғона тумани (168,2 млрд. сўм), Фарғона шаҳри (160,8 млрд. сўм) ва Марғилон (157,2 млрд. сўм) шаҳри ҳиссасига тўғри келади. Сўх туманида (14,1 млрд. сўм) саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми энг паст бўлиб қолмоқда (2-расм).


2021 йил январ-март ойларида саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида кичик бизнеснинг улуши 38,0 фоизни ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик тадбиркорликнинг жами саноат маҳсулотидаги энг юри улуши Бувайда тумани (100,0 %), Бешариқ тумани (100,0 %), Сўх тумани (100,0 %), Данғара тумани (100,0 %), Ёзёвон тумани (100,0 %), Фурқат (99,9 %), Марғилон шаҳари (94,4 %), Фарғона тумани (87,0 %), Бағдол тумани (76,6 %) ва Учқўприк тумани – 75,1 % ҳиссасига тегишли. Қувасой шаҳрида (8,9 %) кичик тадбиркорликнинг улуши энг паст бўлиб қолмоқда (3-расм).



3-расм. 2021 йилнинг январ-март ойларида жами саноат маҳсулотидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Фарғона вилояти худудлари бўйича улуши, % да.

Худудлар бўйича энг кўп чакана савдо товар айланмаси ҳажми Фарғона шаҳри (686,5 млрд. сўм), Қўқон шаҳри (487,8 млрд. сўм), Марғилон шаҳри (292,7 млрд. сўм), Қўйштепа тумани (211,0 млрд. сўм), Қува тумани (171,8 млрд. сўм) ва Учқўприк тумани (162,9 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келди (4-расм).



4-расм. 2021 йилнинг январ-март ойларида Фарғона вилояти худудлари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда чакана савдо товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати.

Мамлакатимиздаги миллий иқтисодиётимиз жабҳаларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёни иқтисодиётни босқичмабосқич тузилмавий янгилаш, хусусий секторнинг ролини ошириш билан узвийликда амалга оширилиши давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг изчилигини ифодалайди. Хукуматимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятининг турларини шаклланишида ва фаолият кўрсатиш учун ташкилий-хуқуқий асосларни яратиш, тадбиркорлик ва унинг алоҳида замонавий турларини рағбатлантириш бўйича ташкилий-иқтисодий чора-тадбирларни амалга ошириш, тадбиркорлик ҳуқуқлари ва манфаатларини юридик жиҳатдан ҳимоя қилиш, тадбиркорликка молиявий жиҳатдан ёрдам фондларини ташкил этиш – бу секторнинг келажакдаги тараққиёти учун муҳим қадам бўлди.

ХХ асрнинг 80 йилларида жаҳон мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий корхоналарида ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши, аҳоли даромадларининг камайиши, кичик бизнес ва хусусий корхоналари рентабеллиги даражасининг пасайиши яхлит иқтисодиётларнинг бюджет дефитсити ҳажмини ошишига олиб келди. Натижада аксарият мамлакатлар миллий иқтисодиёти тармоқларида хўжалик фаолияти юритувчи кичик бизнес ва хусусий корхоналари босқичмабосқич маҳсулот ишлаб чиқаришнинг анъанавий шаклидан юқори технологик маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини берувчи инновацион бошқарув амалиётига ўта бошладилар. Ушбу ҳолат ахборот коммуникатсия технологияларининг (АКТ) кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантириш бўйича инфратузилманинг таркибий компонентларидан бирига айланиши заруриятини вужудга келтирди.

Хусусан, ХХ асрнинг 90 йилларига келиб, АҚШ иқтисодиётига жалб этилаётган инвеститсияларнинг 60 фоиздан ортиқ қисми инновацион иқтисодиёт инфратузилмасини шакллантириш ва уни ривожлантиришга қаратилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион ривожланишига хизмат кўрсатувчи информатсион технологияларни ривожлантиришга устуворлик қаратилди. Натижада кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг ишлаб чиқариш ҳажмининг ўртача йиллик ўсиш кўрсаткичи 42 фоизни ташкил этди. Ушбу тенденсиялар айнан инновацион бошқарув амалиётига эга бўлган кичик бизнес ва хусусий корхоналарида кузатилди. Шунингдек, информатсион технологиялари секторининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши ортиб, 1,2 фоизни ташкил этди. Ушбу турдаги хизматлар кўрсатиш соҳасида ишловчи ёлланма ишчиларнинг иш ҳақи 80 фоизга ортди.

Таҳлилларга кўра, жаҳонда айнан информатсион технологиялар, бизнес бошқарув хизматлари, электроника каби тармоқлар ўзининг инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, шунингдек, ўз ҳодимлари малакаларини оширишга катта ҳажмдаги инвеститсиялар йўналтирувчи хусусиятига эга эканлиги сабабли юқори инновацион салоҳиятга эга бўлган тармоқлар қаторидан ўрин эгаллайди ва юқори технологик тармоқлар ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, мотор двигателлари, транспорт ускуналари каби ишлаб чиқариш тармоқларида хўжалик юритувчи кичик бизнес ва хусусий корхоналари бугунги кунда ўрта технологик тармоқлар қаторидан жой олса, анъанавий хизмат кўрсатиш турлари (савдо) ва меҳнат сифимкорлиги юқори бўлган ишлаб тармоқлари корхоналари қуи технологик тармоқлар қаторидан ўрин эгаллайди.

Кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион бошқаруви амалиётини ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, айнан инноватсиялар бугунги кунда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим омили сифатида баҳоланади. Хусусан, узоқ хорижлик олимлардан З. Гриличес ва Ф.Р. Лихтендерглар томонидан мамлакат иқтисодиётида билимларни тўпланиш ҳажмини 10 фоизга ортиши ЯИМ ҳажмини қўшимча 1-2 фоизга ошириш имконини бериши исботланган. Бунда ЯИМ ҳажмида илмий тадқиқот ишларининг улушкини ошириш назарда тутилиб, уларнинг фикрича, ЯИМга нисбатан ИТТКИ харажатлари улуси 0-4 фоиз бўлиши зарур бўлади. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижасида ИТТКИга сарфланган харажатларнинг самарадорлиги кўрсаткичи жисмоний капиталга сарфланган харажатларга нисбатан 7 баробар юқори эканлиги исботланган [19,20].

Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий корхоналари инновацион бошқарувини ривожлантириш билимларга асосланишига эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ. Билимлар иқтисодий жиҳатдан тарқалиш хусусиятига эга бўлиб, ушбу ҳолат инноватсияларда ҳам ўз аксини топади. Яъни инноватсиялар ҳам мамлакатлараро, тармоқлараро тарқалиш хусусиятига эга бўлганлиги ҳисобига яхлит иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига эришиш имконини беради.

Жаҳон миқёсида иқтисодий, молиявий, экологик хавф-хатарларнинг глобал миқёсда авж олиб бориши натижасида бозор иқтисодиёти шакланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, хом-ашё экспортидан инноватсияларни тарқалиши натижасида уларни ўзлаштириш ҳисобига босқичма-босқич юқори технологик, илм-фан сифимкорлиги юқори, рақобатбардош товарларни ишлаб чиқариш уларни экспорт қилишга ихтисослашиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, бугунги кунда айрим бозор иқтисодиёти шакланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қайта ишлаш кичик бизнес ва хусусий корхоналарида юқори технологик инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишган бўлса, айримлари эса хом ашё ишлаб чиқариш соҳаларини техник-технологик жиҳатдан қуроллантиришга устуворлик қаратмоқдалар. Ушбу мамлакатлар халқаро савдода юқори технологик инновацион маҳсулотларни сотиш бўйича тараққий этган мамлакатлардан сезиларли даражада ортда қолмоқдалар. Уларда ишлаб чиқарилаётган хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар саноат жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар томонидан қайта ишланиб, яна ўзларига тайёр маҳсулот сифатида кириб келади. Ушбу ҳолат кичик бизнес ва хусусий корхоналарининг инновацион бошқаруви ҳолати ва унинг ривожланганлик даражаси мамлакат иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатишидан далолат беради.

Худудларда инновацион фаолият билан шуғулланувчи саноат корхоналари уюшмаларини ташкил этилиши орқали инноватсияларни ўзаро узатиш тезилигини ошириш билан бир қаторда, корхоналар ўртасидаги инновацион ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш имконини беради. таклиф этилаётган механизм асосида худудий саноат корхоналари уюшмалари қуйидаги вазифаларни бажариши лозим бўлади: - саноат корхоналари томонидан инновацион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш; - саноат корхоналари ўртасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳамкорликни шакллантириш; - саноат корхоналари ўртасида инноватсияларни ўзаро узатишни жадаллаштириш; - инновацион маркетинг тадқиқотларини ўтказиш; -

янги инновацион лойиҳаларга бўлган талабларни шакллантириш; - саноат корхоналари инновацион фаолиятини ривожлантиришда ички ва ташқи имкониятлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш Фикримзча, юқорида таклиф этилган саноат корхоналари инновацион бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини амалиётга жорий этиш орқали узоқ муддатли истиқболда мамлакатимиз саноат корхоналарининг инновацион фаоллиги даражаси ортиб, инноватсияларни амалиётга жорий этиш имкониятлари кенгаяди. Шунингдек, саноат корхоналарининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг дастурларининг самарадорлиги кўрсаткичлари ортиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг халқаро бозорлардаги рақобатбардошлиги кўрсаткичлари яхшиланади.

**Хуноса.** Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини янада жадаллаштириш мақсадида иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар, модернизатсиялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг устувор йўналишларидан келиб чиқиб, республикамида асосий эътибор зарар билан ишлаётган, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарни қатъий тугатиш, таркибий ўзгартириш, ихчамлаштириш ва модернизатсиялаш, хусусийлаштирилиб фаолият юритмаётган корхоналарни аниқлаш ва уларда ишлаб чиқаришни тиклаш, тугатиш жараёнини янги мулкдорларга сотиш асосида янги кичик бизнес субъектларини, касаначилик иш ўринлари ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилиши лозимлиги, жойларда йирик норентабел корхоналарда ишлаб чиқариладиган маҳсулот турларини диверсификатсия қилиш, мавжуд фойдаланилмаётган қувватларини, ортиқча эр майдонларини, ижтимоий соҳа объектларини, молиявий ҳолатини, менежментини таркибий ўзгартириш лозим.

#### Адабиётлар/Литература/References:

1. Abdullaev B. (2001). Opportunities for foreign experience in the process of innovation. *Economic newsletter of Uzbekistan*. 4(5). 55–56.
2. Президентининг, Ў. Р. (2020). йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. *Жамият ва бошқарув*, 1(91), 2021.
3. Шумпетер, Й. (1982). Теория экономического развития.
4. Сидорчук, Р. Р. (2013). Маркетинговое управление деловой активностью субъектов малого бизнеса (теоретико-методологический аспект). *Москва*, 005051381.
5. Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. (1996). Предпринимательства и малый бизнес. Т.: ТГЭУ, с.19-83.
6. Абдуллаев, А. (2019). Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в экономическом развитии (на примере Ташкентской области). *Экономика и инновационные технологии*, (2), 253-266.
7. Шепелев, В. М. (1998). Очерки теории и практики развития предпринимательства. Т.: *Фан*. 17 с.
8. Амбарцумян А.А. (1996). Малые предприятия в системе экономических отношений в условиях перехода Узбекистана к рыночной. Автореф. дис....канд. экон. наук. - Ташкент.: 27 б.
9. Худайбердиев З.Р. (1996). Ўзбекистон қишлоқ жойларида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги ва унга кичик ҳамда хусусий тадбиркорликнинг таъсири.: иқт.фан.ном. ...дис.автореф.Тошкент. 22 б.

10. Муфтайдинов, К. Х. (2004). Ицтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари: Ицт. фан. док., дис. Тошкент: МУУМУ.
11. Griliches, Z., & Lichtenberg, F. R. (1984). R&D and productivity growth at the industry level: is there still a relationship?. In *R&D, patents, and productivity* (pp. 465-502). University of Chicago Press.
12. Porishev A.T. (1993). Management of innovations in the conditions of the transition period to the market. *Moscow: RitzLO, Megapolis contact*.
13. Santo B. (1990). Innovation as a means of economic development. (translated from Hungarian). M.: *Progress*.
14. Fatkhuddinov R.A. (2006). Innovation management: A textbook for universities. 5th ed. SPb.: *Peter*.
15. Ergashev F., Rakimova D., Sagdullaev A., Parpiev O., Zainutdinov Sh. (2005). *Innovation management*. T.: *Akademiya*.
16. Eklund K. (1991). Efficient economy - the Swedish model. Per. from the Swedish M.: *Economics*. 104 p.
17. Rakimova D.N., et.al. (2003). Management. (study guide) T.: *Academy*. 96 pages.
18. Bulturbayevich, M. B. (2021, February). Improving the mechanisms of strategic management of innovation processes in enterprises. In *Archive of Conferences* (Vol. 15, No. 1, pp. 130-136).
19. Зайнутдинов, Ш. Н., & Нуримбетов, Р. И. (2017). Ресурсная база и потенциал производство Узбекистана: использования и эффективность (региональный аспект). *Бюллетень науки и практики*, (10 (23)), 207-212.
20. Bulturbayevich, M. B. (2021, February). Improving the mechanisms of strategic management of innovation processes in enterprises. In *Archive of Conferences* (Vol. 15, No. 1, pp. 130-136).

# **SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**N<sup>o</sup> S/7(3) – 2023**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг  
долзарб муаммолари**” электрон  
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-  
сонли гувоҳнома билан давлат  
рўйхатига олинган.

**Муассис:** “SCIENCEPROBLEMS TEAM”  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**  
100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой  
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-  
уй. Электрон манзил:  
[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
**Боғланиш учун телефонлар:**  
(99) 602-09-84 (telegram).